**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

**“Банк-молия хизматлари” факултети**

**“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси**

**“Ҳимояга тавсия этилди”**
Кафедра мудири, проф.
_______________ Ж.Р.Зайналов
Баённома №___ 2018 йил ___ май

**5230600 – “Молия” таълим йўналиши**

**МК-114 гуруҳ талабаси**
**Жалилов Жавохирнинг**
**«Давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таьминлаш муаммолари («Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармаси маълумотлари бўйича)» мавзусидаги**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: к.ўқ. Расулов З.Ж.**

**Илмий маслаҳатчи: Мирзаев Б.Т. – Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармаси бошлиғи**

САМАРҚАНД – 2018

Мундарижа


**Кириш** ........................................................................................................ 4

**I Боб. Бюджет тизими ва муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари**

1.1. Мамлакат бюджет тизими ва муносабатларининг хусусиятлари ..... 8

1.2. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришни таьминлашда солиқ сиёсатининг тутган ўрни……....................................................... 10

1.3.Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантирувчи бевосита солиқ тўловларини тўлиқлигини таьминлаш сиёсати.............................. 15

**II Боб.Давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар тушумини таъминлашни амалдаги ҳолати**

2.1. Маҳаллий бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушумининг барқарор тушишини таъминлаш амалиёти ва таҳлили ............................ 18

2.2. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий тузилма таҳлили……............................................................................................ 20

2.3. Маҳаллий бюджетларнинг бевосита солиқлари бўйича бюджетлараро дифференциациянинг холати ва бюджет даромадларини бевосита солиқларини ошириш муаммолари ....................................... 7

**III Боб. Давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш муаммолари ва истиқболлари**

3.1. Маҳаллий бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлашни ривожлантиришда халқаро солиқ тизимининг ахамияти........................... 0

3.2. Маҳаллий бюджет даромадини бевосита солиқлар орқали тўлиқлигини таъминлашни бошқариш имкониятлари……………........ 6

3.3. Давлат бюджети даромадларида бевосита солиқларни ундириш механизимини барқарорлигини таъминлашни кучайтириш йўллари… 3

**IV Боб. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари**

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти ........................................ 50

4.2. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармаси ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари ................... 60

4.3. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари................................. 66

4.4. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари ......... 77

**Хулоса**.................................................................................................. 57

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**.................................................. 66

Кириш

Маҳаллий бюджет аҳолига хизматлар кўрсатишда, молиялаштиришни таъминлашда мухим роль ўйнайди. Бу эса аҳолининг турмуш даражасига жиддий таъсир кўрсатади. Маҳаллий бюджет холати минтакалардаги иқтисодий ривожланиш, иш билан таъминланганлик ва бюджетлараро муносабатлар ривожланиш даражасини акс эттиради. Давлат бюджети ижросининг асосий вазифаси - бюджетда тасдиқданган солиқлар ва бошқа тушумлариинг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши ҳамда тадбирларии тўлалигича молиялаштириш хисобланади. Лекин бюджет даромадлари ва харажатларини ижро қилиш давомида бир қанча муаммоларга дуч келинади. Маълумки, вилоятлар иқтисодий ривожланишининг ҳар хиллиги, ахолининг жойлашув хусусиятлари, хаттоки табиий шарт-шароитлар бюджетдаи молиялаштириш таркибига таъсир кўрсатади. Айни шу жараёнда бир қанча муаммолар вужудга келмоқда. Албатта, бюджет тизими ғазначилик тизимига ўтгандан кейин бу каби муаммолар ўз ечимини топиб кетиши мумкин. Бюджет даромадларини ошириш ва харажатларни оптималлаштириш, Маҳаллий бюджетларга республика бюджетидан маблағлар келишини қискартириш - ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи омил бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилиши, пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи механизмни яратиш, иқтисодий ўсиш суръатини сифат жиҳатдан баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, барча макроиқтисодий кўрсаткичлар ижобий бўлишига эришиш лозим. Айниқса, бу борада давлатнинг фискал механизмини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Президентимиз Ш. Мирзиёев “...Биз мамлакатимиз бюджет тизимини қайта кўриб чиқишимиз, бюджет даромадлари ва харажатлари халқимиз учун очиқ ва ошкора бўлишини таъминлашимиз

зарур..."[1] деб алоҳида қайд этганди. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган мазкур вазифа мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим омил саналади. Шунингдек, "...макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш..." каби вазифалар ҳам келгуси давр учун ўз аҳамиятни сақлаб қолди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Давлат бюджети даромадларини ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари иқтисодчи олимлар О.Қ.Абдурахмонов, М.И. Альмардонов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф. Гадоев, А.С. Жўраев, Ж.Р. Зайналов, В.Г. Князев, Т.С. Маликов, Н.В. Миляков, О.О. Олимжонов, В.Г.Пансков, Г.Б.Поляк, М.В.Романовский, Д.Г.Черник, Т.Ф.Юткина, Қ.А.Яҳёев, Н.Р.Қўзиева ва Н.Ҳ.Ҳайдаровлар[2]нинг илмий ишларида ўрганилган.

Мамлакатимизда Давлат бюджети даромадларини тўлиқлигини таъминлашга тегишли бўлган масалаларнинг баъзи жиҳатлари И.Э.Жалолов, М.М.Камилов, Ш.А.Тошматов ва Б.Қ.Қодировлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақиллик йилларида бевосита солиқларни бюджет даромадига

---

[1] Ш.М.Мирзиёев. "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак". Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси, 14.01.2017 й. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. – 104 б.

[2] Абдурахмонов О., Кушакаев Б. Солиқислоҳотлари: изчиллик ва тадрижийлик. -Т.: Akademiya, 2005. – 180 б.; Алимардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. – Т.: 2003. – 233 б.; Ваҳобов А.В. ва бошқ. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: ўқув қулланма.-Т.: Иқтисод-молия, 2005.-480 б; Гадоев Э., Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Ўзбекистон, 2012.; Вахобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ. 2009. – 448 б.; Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамКИ, 2002. - 365б.; Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? – Т.: 2006. – 32 б.; Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-изд., перераб. и доп. – М.: Инфра, 2008. - с. 33.; Олимжонов О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. – Т.: Ҳаёт ва иқтисод, 1992. – 84 с.; Пансков В., Князев В. Налоги и налогооблажение; Учебник для вузов. – М.: МЦФЭР, 2003 – 336 с.; Поляка Г.Б. Финансы. Учебник. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2009. – 703 с.; Романовский М.В. Финансы и кредит: Учебник / М. В. Романовский, Н. Н. Назаров, М. И. Попова и др.; Под ред. М. В. Романовского, Г. Н. Белоглазовой. – М.: Юрайтиздат, 2006. – 360 с.; Черник Д. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. –367 с.; Юткина Т. Налоги и налогообложение. Учебник. 2-е изд, перераб. и доп.- М.: ИНФРА-М, 2002. - 576 с.; Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003; Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. и.ф.д.ил.дар.ол.ёз. дис.автореферати.- Т.: 2003.-34-б;

ундиришни бошқариш механизми мустақил, алоҳида комплекс тарзда тадқиқ этилмаган ва уларнинг ҳеч бирида “солиқларни ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари” нуқтаи-назаридан кун тартибига қўйилмаган. Ушбу ҳолат, мазкур йўналишда мустақил, алоҳида илмий-тадқиқот олиб бориш заруриятини юзага чиқариб, танланган магистрлик диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги**. Тадқиқот мавзуси СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади**. Давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таьминлаш муаммоларига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- мамлакат бюджет тизими ва муносабатларининг хусусиятлари ўрганиш;
- маҳаллий бюджет даромадларини шакиллантиришни таьминлашда солиқ сиёсатининг тутган ўрни асослаш;
- маҳаллий бюджет даромадларини шакиллантирувчи бевосита солиқ тўловларини тўлиқлигини таьминлашни ўрганиш;
- амалиётда маҳаллий бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушумининг барқарор тушишини таъминлаш амалиётини холатини таҳлилини амалга ошириш;
- бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий тузилмаларнинг таъсирини ошириш чора-тадбирларини ўрганиш;
- маҳаллий бюджетларнинг бевосита солиқлари бўйича бюджетлараро дифференциациянинг холати ва бюджет даромадларини бевосита солиқларини ошириш муаммоларига оид таклифлар базасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти**. Давлат бюджетининг бевосита солиқли тушумлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармасининг ҳисобот маълумотлари

ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети**. Давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар тушумини барқарорлигини таьминлаш жараёнида солиқ тўловчилар ва бюджет ўртасида вужудга келадиган молиявий-иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

**Тадқиқот методлари** гуруҳлаш, кузатиш, статистик ва иқтисодий таҳлил, мантиқий таснифлаш ва тизимли ёндошувларни ўз ичига олади.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет тизими ва муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари иқтисодий моҳиятининг очиб берилганлиги;

- бюджет даромадларини шакллантиришда бевосита солиқларнинг тутган ўрнининг асосланганлиги ва уларнинг ривожланиш тенденциялари аниқланганлиги;

- давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар тушумини таъминлашни амалдаги ҳолатини таҳлил;

- давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш муаммоларини бартараф этишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилганлиги ва амалиётда қўллаш бўйича амалий тавсияларнинг берилганлигидан иборат.

**Илмий янгилиги** ҳозирги шароитда бюджет даромадларини давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таьминлаш муаммолари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади:

- мамлакат бюджет тизими ва унинг муносабатларини хусусиятлари, маҳаллий бюджет даромадларини шакиллантиришни таьминлашда солиқ сиёсатининг тутган ўрни ифодаловчи ҳолатлар мазмуни ёритилди;

- маҳаллий бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлашни ривожлантиришда халқаро солиқ тизимининг аҳамияти ва маҳаллий бюджет даромадини бевосита солиқлар орқали тўлиқлигини таъминлашни бошқариш

имкониятлари аниқлаштирилди;

- бюджет даромадларини самарали бошқаришни таъминлашда бевосита солиқларнинг асосий йўналишларини истиқболи ёритилди;

- давлат бюджети даромадларида бевосита солиқларни ундириш механизимини барқарорлигини таъминлашни кучайтириш йўллари қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти**. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, ишнинг илмий хулоса ва амалий тавсиялардан республикамизда бюджет даромадларини бевосита солиқлар ёрдамида тулиқлигини таъминлаш механизмини такомиллаштиришнинг илмий концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. БМИ материалларидан олий ўқув юртларида “Молия”, “Давлат бюджети”, “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Илмий ишнинг амалий аҳамияти** бюджет даромадларини макроиқтисодий жараёнларини ривожлантиришдаги аҳамиятини тўғри аниқлаш, бюджет даромадларига бевосита солиқларнинг белгиланган суммаларида ва ўз вақтида тўланишини ташкил этишни такомиллаштириш орқали бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таьминлаш муаммолари билан белгиланади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши**. Тадқиқотлар жараёнида олинган ишланма ва амалий тавсиялар Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ҳокимлиги молия бўлими (2017 йил 26 майдаги далолатномаси) томонидан маҳаллий бюджет даромадларини тўғри ташкил этишда эътиборга олиниши қайд қилинган.

**Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми**. Тадқиқот иши таркибан кириш, тўрт боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Магистрлик диссертация матни 71 бетни ташкил этиб, унда 3 та жадвал, 6 та диаграмма ва 2 та расм ўрин олган.

# I Боб. Бюджет тизими ва муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари

## 1.1. Мамлакат бюджет тизими ва муносабатларининг хусусиятлари

Мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар чуқурлашаётган даврда ижтимоий ҳаётнинг барча сохаларида бўлгани каби, молия, бюджет ва солиқ соҳасида чуқур ўзгаришларни амалга ошириш хозирги куннинг асосий устувор йўналиши хисобланади. Шунинг учун хам, ана шундай вазиятни таъминлаш шароитида бюджет тизими ва муносабатларини шакллантириш ва амалга ошириш иқтисодий ривожланиш жараёнларини тезлаштиришга қаратилади. Мамлакат бюджет тизими ва муносабатлари холати йилдан-йилга ўзгариб ва такомиллашиб бормокда.

Хусусан, 2017 йилда йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0.2 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни. ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди[3]. Ушбу ижобий ўзгаришларни амалга ошириш бюджет тизими ва молиявий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг марказий буғинида тўрганлиги сабабли давлат бюджетини шакллантириш ва тўғри тақсимлаш, бюджет такчиллигини камайтириш муаммолари ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тўтган ўрнини ошириш масалалари бугунги кунда ўртага ташланади. Бу молия муносабатлари турли бўғинларининг йиғиндиси орқали таъминланади.

Молия тизимида ҳар бири пул маблағлари фондларини шакллантириш ва иш юритишдаги хусусиятлар ҳамда ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ролининг турличалиги билан тавсифланади ҳамда унинг тузилиши корхона ва ташқилотлар фаолиятида намоён бўлади. Зеро, давлатнинг корхона, ташкилот, муассаса ва ахоли билан бўладиган молиявий

---

[3]Ўзбекистан Республикасининг Давлат Статистика Қўмитаси ҳисобот маълумотлари бўйича

муносабатлари бюджет муносабатлари хисобланиб, бу қуйидаги жиҳатларга эгалиги билан ажралиб тўради:

давлат катнашадиган тақсимлаш жараёнида вужудга келиши;

умумдавлат эҳтиёжларида қондиришга кўрсатилган пул маблағларининг марказлашган фондининг шаклланиши ва ишлатилиши.

Аввало, бюджет муносабатларининг амалга оширилиши бюдже ёки мамлакатнинг бюджетига боғлик бўлади ва бюджет тизими шароитида амал қилади. Шундан келиб чиқиб, давлат бюджети давлатнинг бир йиллик даромадлари ва харажатлари режалаштирилган асосий молиявий ҳужжатидир[4]. Чунки, бюджет муносабатлари кўп қиррали бўлса, тақсимот жараёнининг ҳар хил йўналишларига хизмат қилади ва унда хўжалик юритишнинг барча даражалари акс эттирилади.

Шунингдек, бюджет муносабатлари объектив характерга ҳам эга бўлади. Яъни, давлатнинг миллий даромади бутун жамият масштабида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжлари, фуқароларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини кондириш ва мудофаа масалаларани ечиш учун зарур бўлади. Бюджет муносабатларининг амал қилиши эса давлат функцияларини бажариш учун моддий ва молиявий асоснинг кераклиги билан белгиланади.

Амал қилиш жараёнида бюджет муносабатлари мамлакат бюджети жамғармасида моддийлаштирилади. Бюджет фондининг миқдори иқтисодиётнинг ривожланиши даражаси, корхоналарда хўжалик юритиш усуллари, ечиладиган иқтисодий ва ижтимоий масалалар ва шунга ўхшаш омилларга бевосита боғлик бўлади. Бюджет фондини шакллантириш ва фойдаланиш бўйича бюджет муносабатларининг биргаликдаги мажмуаси бюджет тизимининг мохиятини акс эттиради. Яъни, бюджет тизими мамлакат бюджет тузилишининг таркибий қисми бўлиб, унинг маълум бир қисмини ўзида ифода этади. Аввало, ҳар бир мамлакатнинг бюджет тизими

---

[4] Sariqov E, Haydarov B. Iqtisodiy bilim asoslari.-Тошкент: O’zbekiston milliy ensiklopediyasi,206.-55 b.

қуйидаги муҳим тамойилларга асосланади[5].

-бюджет тизимининг ягоналиги;

-бюджет тизими даражалари ўртасида даромад ва харажатларнинг чегараланганлиги;

-бюджетнинг мустақиллиги;

-бюджет харажатларини коплашнинг умумийлиги;

-ошкоралик;

-бюджет маблағларининг манзиллиги ва мақсадли характердалиги.

Ўз навбатида, белгиланган қонунларга кўра бюджет тизими республика ва маҳаллий бюджетларга бўлинади. Бюджет тизимининг таркиби турли жамғармаларга ажратилади. Ажратмаларни тўғри тақсимлаш ва самарали тартибга солиш учун давлатнинг аралашуви объектив тарзда зарўр бўлади. Буни давлат молиявий сиёсат орқали амалга оширади. Аралашув инвестициялар, солиқ, бюджет, амортизация сиёсати ва турли давлат органлари ёрдамида бажарилади.

Бюджет муносабатлари давлат молиясининг мазмунини ташқил этади. Давлат молияси миллий даромад ва миллий бойликнинг бир қисмини давлат ва унга қарашли корхона, ташкилотларнинг пул фондига айлантириб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаши, жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш, мамлакатни идора этиш учун таксимлаш ва ишлатиш юзасидан бўлган муносабатлардир[6]. Бу орқали мамлакатда бюджет тизими ва муносабатларининг ҳолати шаклланади ва уларнинг ўзгаришлари доимий таҳлил қилиб борилади.

2017 йилда мамлакатимизда давлат бюджети тизимидаги ҳолат ва ўзгаришларни такомиллаштириш белгиланди ва иқтисодий дастурга киритилди. Жорий йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш сўръатлари 7,8 фоиздан иборат бўлишини таъминлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоиз, кишлоқ хўжалигида 6,1 фоизга ошириш, чакана савдо

[3] Vahobov A.A, Malikov B. Moliya.-Тошкент: Nashiryot, 2011.-391-392 b.
[6] Тожибоева Д.Иқтисодиёт назарияси.-Т.:Шарқ-2003-й -187 б

айланмасини 14 фоиз ва хизматлар кўрсатиш ҳажмини 17,4 фоизга кўпайтириш вазифаси қуйилмоқда. Инфляция даражасини 5,5-6,5 фоиз доирасида сақлаб қолиш, ахолининг реал даромадларини 9,5 фоиз, ўртача иш хаки, пенсия, стипендия ва нафақалар, солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда 15 фоизга ошириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, 2017-йилда ижтимоий соҳага давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки 2016 йилга нисбатан кўп маблағ ажратилади. Бунда таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи ва соғлиқни сақлаш тизимига 14 фоизи йўналтирилади. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантариш сарф-харажатлари 2016 йилга қараганда 16,3 фоизга ва соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди.

## 1.2. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришни таьминлашда солиқ сиёсатининг тутган ўрни

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли кучайиб, ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда солиқ сиёсати муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.Солиқ унсурлари амалда давлат бошқарувининг бошқа унсурлари пул-кредит сиёсати, баҳо сиёсати кабилар билан биргаликда мамлакатнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига фаол таъсир этади. Шу ўринда солиқ сиёсатининг мазмунига тўхталиб ўтадиган бўлсак, солиқ сиёсати бу иқтисодий сиёсатнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган солиқ соҳасидаги фаолиятидир. У таркибан солиқларни жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқий база яратиш, жорий этилган солиқлар ва солиқсиз тўловларни амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан комплекс тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлар йигиндисидир. Мамлакат солиқ тизими хусусиятлари,

йўналишлари, қандай солиқларнинг жорий этилиши, улар ўртасидаги нисбатни таъминлаш каби масалаларни солиқ сиёсати белгилаб беради.

Солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари сифатида мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг 1991йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаснинг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси, Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги (1991йил 15-феврал), «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаганларнинг даромад солиги тўғрисида»ги (1991 йил 15-феврал), «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги (1993 йил 7-май) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари каби меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлган бўлса, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги қонуни юқоридаги ҳужжатларниинг айримларини ўз кучини йўқотишига олиб келган бўлса, айримларининг ҳуқуқий базасини кенгайишига, кучайишига хизмат қилиб келмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» ги қонунга мувофиқ, шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил солиқ сиёсатини олиб боради. Ўзбекистон Республикасининг Конститутсиясида фуқароларниинг бурчларига солиқларни тўлаш мажбурияти ҳам киритилган: «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йигимларни тўлашга мажбурдирлар» . Шунингдек республикамиз ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиши ва уни белгилаш ваколати ҳақидаги жумлалар келтирилган: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқларни жорий қилишга фақат Олий Мажлис ҳақлидир».

Бугунги кунда Республикамиз солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси» «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги

қонуни, ҳукуматнинг бошқа солиққа оид қонун» қарорлари, Президент Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан изоҳланади.

Ҳозирги пайтда республикамиз солиқ сиёсатининг асоси Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва муваффақиятли тарзда амаииётда ўз аксини топаётган иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилидир. Солиқ сиёсати ана шу тамойиллар асосида ташкил этилган бўлиб, солиқ соҳасидаги самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Солиқ консепсияси бу солиқларни йўналишларини аниқ илмий асосланган ҳолда амалга ошириш ғояларининг яҳлитлигидир. Мамлакатимизда солиқ консепсияси Президентимиз И.А.Каримов томонидан чуқур илмий асосда ишлаб чиқилгани бозор иқтисодиётига ўтиш консепсиясига асосланади. Агар солиқ консепсияси қанчалик чуқур илмий асосга эга бўлса, солиқ сиёсатининг барқарорлиги шунчалик мустаҳкам таъминланади.

Ўз навбатида солиқ консепсияси эса солиқлар соҳасидаги чуқур илмий тадқиқот ишлари ҳамда солиқ амалиётида орттирилган бой тажрибаларни ўзаро уйғунлигига асосланган ғояларнинг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Шунингдек, солиқ сиёсати барқарорлигини таъминлашда унинг стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилиши лозим. Амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ҳусусияти ва муддатини эътиборга олиб солиқ сиёсати: солиқ сиёсати стратегияси ва солиқ сиёсати тактикасига бўлинади.

Солиқ сиёсати стратегиясида муайян узоқроқ муддатга мўлжалланган солиққа оид иқтисодий муносабатларни асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари ифодаланади. Бу эса ўз навбатида илмий асосланган солиқ консепсияси билан бевосита боғлиқдир. Масалан, республикамизда жамият тараққиётининг асосий стратегияси қилиб эркин, очиқ бозор иқтисодиётига, эркин фуқаролиқ жамиятига асосланган ҳуқуқий. демократик жамият қуриш белгиланган. Солиқ борасидаги устувор стратегик вазифа эса давлат бюджети ва хўжалик юритувчи субъектларни солиққа оид иқтисодий

муносабатларида муайян уйгунликни таъминловчи солиқ тизимини шакллантириш ва шунга мос равишда такомиллаштириб боришдан иборатдир. Ёки бошқача қилиб айтганда, солиқ сиёсати стратегияси солиқ сиёсатининг узоқ муддатли йўналиши бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий стратегия белгилаб берган улкан масштабли вазифаларни келажакда бажарилишини, таъминлаш кўзда тутилган молиявий тадбирлар йигиндисидир.

Солиқ сиёсати тактикаси эса белгиланган солиқ сиёсати стратегияси ижросини таъминловчи, тез-тез ўзгариб турувчи сай-ҳаракатларни билдиради, яъни қисқа муддатли ва кичик масштабли молиявий чора-тадбирларни ҳал қилишга қаратилган йўналишлар мажмуаси солиқ сиёсати тактикаси сифатида қаралади.

Солиқ сиёсати таркибий жиҳатдан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

-мамлакат миқёсида амал қилувчи солиқлар ва солиқсиз тўловларни қонуний жорий этиш;

-амал қилаётган солиқларни самарали ишлашини таъминловчи механизм шакллантириш ва такомиллаштириш, солиққа оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;

-солиқ сиёсатини амалга оширувчи тегишли ваколатли органларни ташкил этиш ва уларни ушбу соҳадаги вазифаларини белгилаш;

-солиққа тортиш тизимини шакллантиришга қаратилган чуқур илмий тадқиқотни амалга ошириш ва уларни жорий этишни ташкил этиш.

Юқоридаги жумлаларни умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак,давлат солиқ сиёсати орқали иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради ёки чеклайди.Зеро биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Солиқ сиёсатининг вазифаси-бир томондан,бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан,иккинчи томондан-корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат. Шундай қилиб солиқ сиёсатининг

асосий вазифаси иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилиши лозим.Айнан иқтисодий ўсишга эришилгандагина ишлаб чиқарилиш ривожланишига ва унинг самарадорлигини таъминлашга,яшаш дараиасини ошишига хизмат қииади. Шу боисдан солиқ тизими мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда доимо такомиллаштирилиб борилиши лозим.

## 1.3.Маҳаллий бюджет даромадларини шакиллантирувчи бевосита солиқ тўловларини тўлиқлигини таьминлаш сиёсати

Давлат бюджети даромадларининг таркибий тўзилиши (ЯИМга нисбатан, фоизда)ни кўриб чиқддиган бўлсак, бевосита солиқлар 2000 йилда жами бюджет даромадларининг 7,8 фоизини ташқил қилган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 5,4 фоизни ташқил қилган. Билвосита солиқларнинг давлат бюджетидаги улуши 2000 йилда 16,0 фоизни ташқил қилган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 10,7 фоизни ташқил қилган. Ресурс солиқдари ва мол-мўлк солиқлари ўлуши эса 2000 Йилда 4,7 фоизни ташқил қилган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 4,8 фоизни ташқил этган. Демак, кейинги йилларда ЯИМга нисбатан давлат бюджети даромадларининг салмоғини пасайишини кўзаталиши билан унинг таркибидаги бевосита ва билвосита солиқлар ўзгаришида хам параллел равишда пасайиш кўзатилмокда. Ресўрс солиқлар ва тўловлари салмотада эса ўсиш тенденцияси кўзатилмокда. Бу ўз навбатида табиий ресўрслардан оқилона фойдаланиш бўйича солиқларнинг тартибга солувчилик ролининг усаётганлиги билан белгиланади.

Мазкур йилларда солиқ юкини пасайтириш, бир хил солиқ базасига эга бўлган солиқларни соддалаштириш, солиқ маъмўрчилигини такомиллаштириш, солиқдар бўйича белгиланган имтиёзларни такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш каби солиқ тизимини ислох қилишнинг.устувор йўналишлари хисобланган бўлиб,

амалга оширилган ислохотларнинг ижобий натижаси ўларок, жами фискал

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2014-2017 йиллардаги Давлат бюджети даромадлари параметрлари[7]**

| № | Кўрсаткичлар | 2014 йил | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Млрд. сўм | Млрд. сўм | Млрд. сўм | Млрд. Сўм |
| | Даромадлар-жами Давлат мақсадли пул фондларининг даромадларисиз | 31729,6 | 36493,3 | 41043,4 | 49684,8 |
| **1.** | **Тўғри (бевосита) солиқлар** | **7433,1** | **8798,4** | **9852,8** | **11538,9** |
| 1.1 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги | 1120,2 | 1180,5 | 1215,1 | 1475,5 |
| 1.2 | Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 954,4 | 1207,8 | 1515,3 | 1707,6 |
| 1.3 | Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар | 967,9 | 1191,7 | 1440,8 | 1750,8 |
| 1.4 | Жисмоний шахслар | 3261,7 | 3800,7 | 4137,4 | 4876,7 |

[7] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мпълумотлари бўйича

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | даромадига солиқ | | | | |
| 1.5 | Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ | 553,1 | 681,5 | 822,3 | 1042,9 |
| 1.6 | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги | 575,7 | 736,2 | 721,9 | 685,5 |
| **2.** | **Эгри (билвосита) солиқлар** | **16851,8** | **19193,8** | **21130,7** | **26133,6** |
| 2.1 | Қўшилган қиймат солиги | 9475,6 | 10851,0 | 11891,6 | 14686,2 |
| 2.2 | Акциз солиги | 4941,1 | 5618,4 | 6258,2 | 7449,2 |
| 2.3 | Божхона божи | 1350,0 | 1481,5 | 1449,5 | 1707,4 |
| 2.4 | Транспорт воситалари учун бензин, дизелъ ёқилгиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ | 1085,1 | 1242,9 | 1531,3 | 1784,5 |
| **3.** | **Ресурс тўловлари ва мол- мулк солиғи** | **4311,6** | **4816,1** | **5306,2** | **6867,4** |
| 3.1 | Мол-мулк солиги | 1273,8 | 1393,0 | 1659,2 | 2129,7 |
| 3.2 | Ер солиги | 647,5 | 750,1 | 966,7 | 1091,8 |
| 3.3 | Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ | 2275,6 | 2514,6 | 2517,7 | 3474,1 |
| 3.4 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 114,7 | 158,4 | 162,6 | 171,8 |
| 4. | Бошқа даромадлар | 3133,1 | 3685,0 | 4753,7 | 3729,6 |

юкнинг камайиши билан бирга, солиқ базасини кўпайиши натижасида солиқ тушумларининг миқдор кўрсаткичларида сезиларли ўсиш тенденцияси кўзатилди.

Бевосита солиқларнинг ЯИМдаги ўлушининг қисқариб бориши шундай хулосага олиб келадики, аҳоли ва юридик шахслар даромадидан ундириладиган бевосита солиқлар юки камайиб бормокда. Бу, албатта ислохотларни таҳлил қилинаётган давридаги стратегик йўналишини амалдаги ижросининг натижаси хисобланади. Бунда, солиқ юкинйнг ишлаб чиқарувчиларга нисбатан камайтириш, солиқ тўлашдан бушаган ахоли жамғармалари ва корхоналар пул даромадларини кўпайтириш хисобига ўларни инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг истикболли манбаларига айлантириш хисобланади.

Бевосита солиқлар бўйича тушумлар ислохотларнинг дастлабки босқичларида бюджет даромадларига сезиларли салмоқни ташқил қилган.

Бундай шароитда ишлаб чиқаришдаги солиқ юкининг юқори даражаси амал қилган. Бевосита солиқлар тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини ўларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантирди. Президент  Ислом Қаримов, бу борада куйидаги фикр-мўлохазаларни келтириб ўтади

“факат 2000-2017 йиллар мобайнида юртимизда даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичиқ бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари  ишлаб чиқарувчилар, яъни фермерлар учун ягона солиқ 10 фоизга туширилди”.

Таҳлил қилинаётган даврларда жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи 4 босқичдан 3 босқичга қисқартирилди ва солиқ ставкалари пасайтирилди. Бу борада Юртбошимиз куйидаги фикр-мўлохазаларни келтириб ўтади: “Жисмоний шахслар даромадидан солиқ олиш ставкаси хам тубдан кайта кўриб чиқилди ва камайтирилди”. Солиқ юкининг пасайиши ахолининг пул даромадлари оширилишига ва охир-окибат  истеъмол ҳамда жамгармалар кўпайишига  олиб келди.

Солиқ тизимидаги ислохотлар натижасида давлат бюджети

даромадларида бевосита солиқларнинг таркибий ўзгариши кўзатилди. Буни юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Кейинги йилларда давлат бюджеты даромадларида бевосита солиқларнинг салмоғи камайиб бормокда.

Бевосита солиқлар бўйича солиқ юкининг пасайиши иқтисодиётнинг турли тармокларида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари тадбиркорлик фаолиятининг кейинги тараққиёти учун мустахкам замин бўлиб хизмат қилади. Бевосита солиқларнинг таркибида жисмоний шахслар даромадидан ундириладиган солиқнинг ўлуши асосий салмоққа эга бўлмокда. Шунингдек, мазкўр солиқ бўйича бюджет даромадларининг салмоғи кейинги йилларда ортиб бормокда. Бу холат жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича ставкаларнинг пасайиб бораётганлиги билан бирга ўларнинг иш ҳақи кўринишидаги даромадлари ортиб бораётганлигидан далолат беради. Бевосита солиқларнинг ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўлларини тадқиқ этишда, дастлаб, ушбу солиқлар ва ўларни ундиришнинг назарий масалаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Бевосита солиқларга таъриф беришда куйидагиларга эътибор берилиши лозим: бевосита солиқлар маҳсулот таннархининг ортишига бевосита таъсир кўрсатмаган ҳолда истеъмол товарлари нархининг ўсишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади; ушбу солиқлар бахо ёки тарифга устама тарзида ўрнатилиб, солиқ тўловчиларнинг даромадлари билан белгиланадиган тўғри солиқлардан фарк қилади; бевосита солиққа тортиш даромадлар сарфланаётган жараёнда тўланадиган солиқлар тизимини ўз ичига олиб, харажатлар билан боғликдир; бевосита солиққа тортишда товарни ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи ўларни таркибида устама бўлган баҳода сотади ва тушумдан маълум солиқ суммасини давлат иҳтиёрига ўтказади; билвосита солиқдар хўжалик актлари, айланма ва молиявий операциялардан келиб чиқади; билвосита солиққа тортишда солиқнит ўлаши лозим бўлган юридик ва жисмоний шахслар турличадир.

Бевосита солиқларнинг вазифаларини аниқлаштириш мақсадида

ягона тизимга келтиришга харакат қилинган. Фикримизча, билвосита солиқларнинг умумлаштирилган вазифалари куйидагилардан иборат: барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи хўжалик юритишнинг самарали бозор механизмларига ўтишни фаоллаштиришга кўмаклашиш; миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш; бозор муносабатларига мос келувчи хўжалик юритишнинг инновацион шаклларини ривожлантиришга ёрдам бериш; иқтисодиётда зарўр таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида рентабелликнинг ўсишига харажатларнинг камайишига ва инвестициялар учун молиявий ресўрсларнинг жамғарилишига ижобий таъсир кўрсатиш; ҳорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитларни шакллантиришга хизмат қилиш; жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида миллий бойлик ва даромадларни ижтимоий жихатдан адолатли кайта тақсимланишига ёрдам бериш; умум давлат мақсадли дастўрларини амалга ошириш учун зарўр марказлашгирилган молиявий ресўрслар фондини шакллантириш; бюджет ва хўжалик юритувчи субьектлар манфааталарига оқилона. мувозанатнннг бўлишини таъминлаш.

Юқорида баён қилинган бевосита солиқларнинг вазифалари принцип иал ахамиятга эга бўлиб, уларнинг кўрсатилган муддатда ва белгиланган тартибда бажарилиши бевосита солиқларни ундириш механизминнинг муваффақиятли амал қилишини белгилаб, унинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бевосита солиқлар икки томонламалик характерга эга бўлиб, уни бюджет манфаатлари ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бевосита солиқларнинг бюджет манфаатлари нуқтаи-назаридан ахамиятини, фикримизча, икки

йўналишда очиб бериш мумкин. Биринчидан, Давлат бюджети даромадлари таркибининг ЯИМга нисбатан кўриб чиқилишидир. 2001-2017 йилларда

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини

шакллантиришда билвосита солиқдарнинг ЯИМга нисбатан салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, солиқларнинг бошқа тўрларига нисбатан юқори

ўлушга эга бўлиб қолаётганлигини кўрсатмокда.

Бевосита солиқпарнинг бюджет Нуқтаи-назаридан қаралгандаги ахамиятини кўрсатиб берувчи иккинчи йўналиш ўларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги салмоғидан иборат. Ушбу холатни Ўзбеқистон Республикасида 2012-2017 йиллардаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш мумкин, (2-жадвал).

(2-жадвал)

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакиллантиришда бевосита солиқларнинг ўрни[8],(%да)**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 |
| Даромадлар, мақсадли жамғармаларсиз-жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Билвосита солиқлар-жами | 57,9 | 56 | 46,5 | 46,9 | 48,5 | 47,1 |
| Бевосита солиқлар | 42,1 | 44 | 53,5 | 53,1 | 51,5 | 52,9 |

[8] Ўзбекистон Респубиликаси Молия вазирлиги маьлумотлари асосида муаллифтомонидан тузилган

## II Боб.Давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар тушумини таъминлашни амалдаги ҳолати

### 2.1.Маҳаллий бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушумининг барқарор тушишини таъминлаш амалиёти ва таҳлили

Хозирги вақтда Давлат бюджетида маҳаллий бюджетлар харажатларининг улуши 53,4 фоизни ташқил этади ва 2005 йил билан таққосланганда пасайиб бормокда (2005 йилда 54,8 фоиз эди). Ижтимоий соҳа харажатларининг 80 фоизидан ортиғи маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилади, бу эса минтақалар аҳолисини ижтимоий жихатдан барқарорлигини таъминлайди.

2005-2017йилларда маҳаллий бюджет соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар минтақаларнинг молиявий мустақиллик даражасини ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллиги ва жавобгарлигини кучайтириш масалаларини ҳал қилишга, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида маҳаллий бюджетлар ўлушини оширишга қаратилган эди.

Бунинг натижасида маҳаллий бюджет даромадлари ўртача республика бўйича 2,5 бараварга ортди. Ҳудудлар тўзилмасида Андижон (2,8 баравар), Жиззах (3,8 баровар), Самарқанд (3,0 баравар) вилоятларида ва Қорақалпогистон Республикасида (3,9 баравар) ушбу кўрсаткич ўсиши энг юқори бўлди. Бу эса, энг аввало, ишлаб чиқариш соҳасининг жадал ривожланиши ва бюджет дай мадларини шакллантиришнинг иқгисодий пойдевори бўлмиш ялпи минтақа маҳсўлотининг катта сўръатларда ўсиши билан боғлиқ (1-диаграмма) Шу билан бирга, юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига қарамай, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шахрида маҳаллий бюджетлар даромадларининг ўсиши умумреспубликэ кўрсаткичларидан паст бўлди. Бу умумреспублика солиқпаридан (юридик шахсларнинг даромад солиғи, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, акциз солиқ ва ККС) ушбу минтақалар

маҳаллий бюджетларига кам ажратилиши билан изохланади.

1-диаграмма

**2005-2017 йилларда минтақаларнинг ялпи ички маҳсулоти ўсиши (баравар)**




***Манба**: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz сайтидаги малумотларга асосан тайёланди*

Таъкидлаш лозимки, таҳлил қилинаётган даврда даромадларга нисбатан маҳаллий бюджет харажатларининг кўпрок (республика бўйича ўртача 2,6 баравар) ўсиши кўзатилмокда. Ушбу кўрсаткич Андижон (2,7 баравар), Жиззах (3,4 баравар), Самарқанд (3,0 баравар) вилоятларида ва Қорақалпогистон Республикасида (3,4 баравар) юқори, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шахрида эса паст бўлди. Бунда Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Фаргона, Хоразм вилоятларида маҳаллий бюджет харажатлари ўсиши даромад ўсишидан юқори бўлди.

Маҳаллий бюджетга келиб тушадиган даромадларнинг ўсиши кўп

жихатдан солиқ базасига ва солиқ ставкасига боғлиқ. Агар бюджетга келиб тушадиган даромад ва ўларнинг манбалари ўртасидаги алоқа таҳлил қилинса, охирги йилларда солиқ тушумлари ўсиши солиқ базасини ошириш хисобига таъминланганлигини кўриш мумкин. Бу тадбиркорлик субъектлари учун даромад солиғини, ягона солиқ тўловини камайтириш ҳамда кенг имтиёзлар ва имкониятлар бериш хисобига товарлар ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) ўсиши ортганлиги билан ботик. Юридик ва жисмоний шахслар учун солиқлар тўлашнинг асосий манбалари хисобланган товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилишдан тушган соф фойданинг ва минтақалар ахолиси ялпи даромадларининг хажмлари кўпайди. 2011-2017 йилларда Самарқанд, Хоразм вилоятларида ҳамда Тошкент шахрида ва Қорақалпоқистон Республикасида корхоналарнинг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган соф фойдаси, Жиззах, Наманган ва Сирдарё вилоятларида эса ахолининг ялпи даро-мадлари юқори сўръатларда ўсишига эришилди (2диаграмма).

2-диаграмма

**2011-2017 йилларда минтақаларда корхоналар ва аҳоли даромадларининг ўсиши (баровар)**




**Манба: "Ўзбекистон молияси". Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами, Тошкент-2017**

## 2.2. Бюджет даромадларини шакиллантиришда Маҳаллий тузилма таҳлили

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ҳудудий тузилмаси таҳлили минтақаларнинг тенг бўлмаган молиявий ҳолатини кўрсатмоқда. Бюджет даромадлари энг кўп бўлган саноат жихатидан ривожланган мамлакатларда бюджетга келиб тушадиган даромадлар ҳам юқоридир. Бундай ҳолат иқтисодиёти аграр соҳага йўналтирилган минтақаларнинг бюджет даромадларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, Давлат бюджетини шакиллантиришда Самарқанд шаҳри (13,0 фоиз), Каттақўрғон шаҳри (3,2 фоиз), Оқдарё тумани (5,4 фоиз),

Булунғур тумани (2,8 фоиз), Жомбой тумани (4,5 фоиз), ва Иштихон тумани (3,0 фоиз), Каттақўғон тумани (3,7 фоиз), Қўшработ тумани (3,5 фоиз), Нарпай тумани (4,1 фоиз), Пайариқ тумани (4,1 фоиз), Пастдарғом тумани (7,2 фоиз), Пахтачи тумани (2,1 фоиз), Самарқанд тумани (6,3 фоиз), Нуробод тумани (3,5 фоиз), Ургут тумани (5,3 фоиз), Тайлоқ тумани (3,6 фоиз), Вилоят бюджети (25,6 фоиз) туманларининг ўлуши салмоклидир (3-диаграмма).

3-диаграмма

**Самарқанд вилоят маҳаллий бюджетининг 2017 йил ижроси**[9]
(фоизда)




[9] Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармаси маълумотлари асосида

2005-2017 йилларда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожланиши туфайли Жиззах вилоятининг, Тошкент шаҳри ва Қорақалпористон Республикасининг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўлуши кўпайди.

Қишлоқ хўжалиги ва кичиқ бизнесга нисбатан саноатда ва йирик бизнесда юқори солиқ босими кўзатилмокда. Масалан, қишлоқ хўжалиги тармоқларга нисбатан саноат сектори томонидан кушимча кийматнинг 1 сумига 22 баравар кўп солиқ тўланади. Йирик корхоналар ва кичиқ бизнес субъектлари ўртасидаги солиқ юкидаги фарқ 2-3 баравардан ортиқни ташқил етади[10]

Бунинг натижасида минтақалар бюджвтининг барцарорлигини бахолашда Тошкент Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳри каби саноати ривожланган минтақаларда мўтлоқ бюджет барқарорлиги кўзатилмокда (4-диадиаграмма).

Ушбу минтақалардэ катта солиқ тушумлари бюджет тўлаш кобилия тининг ва мустақиллигининг юқори коэффициент ларини таъминлади.

[10] “Бюджетлараро муносабатлар таркибий қисмларнинг ўзаро мувозанати” Ўзбекистон БМТТДнинг маҳаллий маьрузаси Тошкент-2014

4-диаграмма

**Бюджет барқарорлиги даражаси бўйича минтақаларни гуруҳларга бўлиш**[11]




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг [www.mf.uz](www.mf.uz) сайти маълумотлари асосида тайёрланган*

Фаргона, Сирдарё, Андижон, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари бюджетининг барқарорлиги ўртача хисобланади (0,65 <Кбу<0,9). Ушбу вилоятларда бюджетнингдаромадпари мустақил равишда ўз харажатларини коплай олмайди.

Сирдарё, Андижон ва Самарқанд вилоятларида Республика бюбджетидан ажратиладиган субвенциялар ўртача бюджет харажатларининг 23 фоизини ташқил этади.

Фаргона ва Хоразм вилоятларида бошқача вазият кўзатилмокда. Ушбу вилоятларда бюджет харажатларига субвенциялар ажратилмасада, бюджетнинг ўз даромадлари бюджет харажатларининг тегишли равишда 82,8 фоизини ва 57,5 фоизини коплайди. Маҳаллий бюджет харажатларининг қолган қисми ўтказиб бериладиган маблағлар билан копланади.

[11] Бюджет барқарорлиги куйидаги коэффициентлар асосида хисоб-китоб қилинади: ликвидлик коэффициенти (бюджет даромадлари ва харажатлари нисбати), тўлаш қобилияти коэффициенти (бюджетнинг ўз даромадлари ва харажатлари нисбати), бюджетнинг молиявий мустақиллик коэффициенти (бюджетнинг ўз харажатлари ва барча харажатлари нисбати). Охирги босқичда бюджет мустахкамлиги ушбу коэффициентларнинг ўртача геометрик қиймати сифатида хисоб-китоб қилинади.

Ва ниҳоят, Наманган, Сўрхондарё, Жиззах вилоятларидаги ва Қорақалпогистон Республикасидаги бюджетнинг етарлича барқарор эмаслиги (Кбу<0,65) бюджетнинг ўз даромадлари хажмининг пастлиги билан изоҳланади. Бюджет ўз харажатларининг 50 фоизидан ортиқ қисмини коплай олмайди. Ушбу минтақалар Маҳаллий бюджетларининг харажатларида субвенциялар ўлуши ўртача 41 фоизни ташқил этади

Умуман олганда, даромадларнинг ҳудудлар бўйича шаклланишидаги мавжуд номўтаносибликлар маҳаллий бюджет ўз даромадларининг юқори минтақалараро дифференциациясида акс этади[12]. 2005-2008 йилларда маҳаллий бюджет ўз даромадларининг дифференциацияси даражаси (2,48дан 2,85гача) ошиб борди. Шунга қарамай, янги ишлаб чиқариш кувватларини ишга тушириш, кам кувватли ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш, касаначиликни, савдо тармогини ва умуман бозор инфратўзилмасини ривожлантириш хисобига маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустах,камлаш, ўларнингсубвенциялар га қарамлигини пасайтириш бўйича

охирги йилларда (2011-2017 йилларда) амалга оширилган ишлар дифференциация нисбатини 2011 йилдаги 2,76 дан 2017 йилда 2,32 гача пасайтириш имконини берди (5-диаграмма).

[12] Минтакалараро дифференциация 4 та нисбатан ривожланган ва 4 та нисбатан паст ривож- панган минтацаларнинг ах,оли жон бошига туари келадиган курсаткичлари нисбати сифатида цисоб- китоб к,илинади

5-диаграмма

**Маҳаллий бюджетнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган харажати ва даромадлари бўйича минтақалараро дифференциация**




***Манба:*** **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz сайтидаги маълумотлар бўйича**

## 2.3 Маҳаллий бюджетларни ўз бевосита солиқлари бўйича бюджетлараро диференсиясинииг холати ва бюджет даромадларининг бевосита солиқларини ошириш муаммолари

Маҳаллий бюджетларнинг харажати бўйича минтақалараро дифференциациянинг пастлиги мамлакатнинг барча кУДУДларида маҳаллий бюджетлар харажатлари юзасидан тенг шартшароитлар таъминланганлиги билан изох,ланади.

Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари бўйича минтақалараро дифференциацияни камайтириш учун бюджетлараро муносабатпар масалаларини хал қилиш, бюджетнинг ўз даромадларидан ошиб кетадиган харажатларни молиялашириш талаб этилади, юқори тўрувчи бюджетлардан ажратиладиган субвенциялар билан копланади.

3-жадвал

**Маҳаллий бюджетлар харажатларида Республика бюджетидан ажратиладиган субвенциялар улуши[13]**

| Ҳудудлар номи | 2012 й | | 2013 й | | 2014 й | | 2015 й | | 2016 й | | 2017 й | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | млн.сўм | % | млн.сўм | % | млн.сўм | % | млн.сўм | % | млн.сўм | % | млн.сўм | % |
| **Қорақал-н** | 385540,3 | 12,1 | 454825,4 | 12,3 | 495357,5 | 16,7 | 506 359,2 | 20 | 475415,7 | 20 | | |
| **Андижон** | 470748,3 | 14,9 | 543093,2 | 14,6 | - | - | | | | | | |
| **Жиззах** | 257088,2 | 8,2 | 314023,2 | 8,4 | 372025 | 12,7 | 367 229,1 | 14,7 | 404531 | 17 | 228991,9 | 16 |
| **Наманган** | 467240,2 | 14,8 | 531158,7 | 14,4 | 508364,9 | 17,4 | 597 393,3 | 23,7 | 656235,2 | 27 | 542275,5 | 39 |
| **Самарқанд** | 655721,8 | 20,8 | 771504,9 | 20,8 | 642249,6 | 21,9 | 249 999,1 | 9,8 | | | | |
| **Сурхондарё** | 475855,5 | 15 | 556230,6 | 15 | 618393,6 | 21,1 | 645 061,4 | 25,6 | 688639,1 | 29 | 532982,1 | 38 |
| **Сирдарё** | 132746,5 | 4,2 | 152497 | 4,1 | 159553,3 | 5,4 | 155 712,4 | 6,2 | 178035,6 | 7,4 | 92836,4 | 6,6 |
| **Хоразм** | 308498,5 | 9,8 | 364094,4 | 9,9 | 133169,6 | 4,5 | | | | | | |
| **Жами** | 3153439 | 100 | 3687427 | 100 | 2929114 | 100 | 2521755 | 100 | 2402856,6 | 100 | 1397086 | 100 |

[13] Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012-2017 йилларда қабул қилинган 1149,1675,1887,2099,2270-сонли қарорлари маълумотлари бўйича тайёрланган

Ушбу жадвалда Самарқанд вилоятида давлат бюджетидан субвенция олиш 2012 йил 20,8 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб субвенцияларга муҳтож бўлмай қолди, Наманган вилояти эса 2012 йилда Республика бюджетидан ажратилган субвенция 14,8 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 38,8 фоизни ташкил қилди, бу вилоятда субвенциянинг улуши ҳали ҳам катталигича қолмоқда.

Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятлари донор минтақалар саналади. Ушбу вилоятларда Давлат бюджетининг 27,9 фоизи шакллантирилади ва Давлат бюджетининг 65,3 фоизи ушбу минтақаларнинг маҳаллий бюджетида қолади. Бунда ушбу минтакаларда паст даромадларга эга туманлар вилоят бюджетидан субвенциялар олади.

Бухоро вилоятининг Вобкент (35,8 фоиз), Пешку (39,6 фоиз), Шофиркон (47,4 фоиз) туманлари, Кашҳадарё вилоятининг Қамаши (60,6 фоиз), Китоб (54,5 фоиз), Чироҳчи (74,8 фоиз), Яккабог (49,4 фоиз) туманлари, Навоий вилоятининг Нўрота (65,8 фоиз), Хатирчи (66,5 фоиз) ва Навбаҳор (48,0 фоиз) туманлари, Тошкент вилоятиининг Бекабод (43,0 фоиз), Бука (41,5 фоиз),,! Оққўргон (42,8 фоиз), Куйичирчиқ, (42,4 фоиз) , туманлари, Фаргона вилоятининг Бешариҳ (60,7 фоиз), Бувайда (66,2 фоиз), Сох (61,7 фоиз) Учкўприк (61,3 фоиз) туманлари юқори субвенцияон минтацалар саналади.

2017 йилларда маҳаллий бюджетларнинг даромад} базасини мустаҳкамлаш бўйича ишларни давом эттириш хисобига республиканинг куйидагм 10 та тумани ва шахари субвенцион туманлар ва шахарлар руйхатидан чиқариб ташланди: Қорақалпоғистон Республикасининг Кунгирот тумани, Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани, Жиззах вилоятининг Дустлик, Зафаробод туманлари, Қашқадарё вилоятининг Косон, Миришкор туманлари, Навоий вилоятининг Тамди тумани, Самарқанд вилоятининг Пасггдаргом тумани, Сўрхондарё вилоятининг Термиз шакри, Сирдарё вилоятининг Сирдарё тумани.

лозирги вақтда республиканинг 130 та тумани ва шахри субвенцион

туман ва шахарлар хисобланади (6-диаграмма)

6-диаграмма

**2017 йилда йуқори турувчи бюджетлардан субвенциялар олган туманлар (шаҳарлар) сони**




***Манба:*** **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz сайтидаги маълумотлар бўйича**

Юқоридагиларни умумлаштириб, Ўзбекистон минтақаларида маҳаллий бюджетларнинг мустахкамлиги бўйича турлича манзара кўзатилаётганлигини қайд этиш мумкин. Қишлоқхўжалигига ихтисослашган минтақалар субвенцион минтақалар хисобланади. Саноати ривожланган минтақаларда маҳаллий бюджетларнинг баркарорлиги кўзатилмокда. Айни вақтда ушбу донор минтақаларда ўз харажатларини ўз даромадлари билан копламайдиган туманлар хам мавжуд.

Бу минтақаларда ахолига хизматлар тенг кўрсатилмаслигига олиб келмокда.

Охирги йилларда худудий дастурлар асосида янги ишлаб чиқариш кувватларини ишга тушириш кам кувватли ишлаб чицариш объектларини

модернизация қилиш, касаначиликни, савдо тарморини ва умуман бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетларнинг субвенцияга қарамлилигини пасайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

## III Боб. Давлат бюджети даромадларида бевосита солиқлар тушиши барқарорлигини таъминлаш муаммолари ва истиқболлари

### 3.1. Маҳаллий бюджет даромадларини баркрорлигини таъминлашни ривожлантиришда халқаро солиқ тизимининг ахамияти

Ўзбекистон Республикаси жахон тажрибасини рад етмаган ҳолда ижтимоий тараккиётнинг ўзига хос ва мос йўлини ишлаб чиқди . Бугунги Ўзбекистон жахонда , майдонда етакчи ўрин тўтадиган давлатлар - Россия, Япония, Хитой, Германия , Франция ва Европа Иттифокининг бошқа мамлакатлари билан хамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустахкамлашга алохида эътибор Ўзбекистон Республикаси жахон тажрибасини рад етмаган ҳолда ижтимоий тараккиётнинг ўзига хос ва мос йўлини ишлаб чиқди . Бугунги Ўзбекистон жахонда , майдонда етакчи ўрин тўтадиган давлатлар - Россия, Япония, Хитой, Германия , Франция ва Европа Иттифокининг бошқа мамлакатлари билан хамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустахкамлашга алохида эътибор компанияларнинг мамлакатимизда шаклланаётган товар ва хизматлар бозорига кириши жараёни сезиларли ривожланиб бормокда. Очик иқтисодиётни яратмай тўриб мамлакатимизнинг жахон хўжалигига кириб бориши қийин  Шунинг учун хам хорижий мамлакатлар иқтисодиётини ўрганиш мухум ахамият касб этади.

Давлатнинг бозор иқтисодиётига таъсир кўрсатувчи қўлгина иқтисодий таянчлари ўртасида солиқлар мухлм ўрин тўтади. Бозор муносабатлари шароитида, айиикса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ тизими давлатнинг сиёсий-иқтисодий томондан тартибга солувчилардак бири ҳамда молия-кредит механизмининг асосидир. Давлат солиқ сиёсатидан бозорнинг салбий кўринишларига аник таъсир этиш воситаси сифатида кенг фойдаланилади. Хар бир солиқ бўтун солиқ тизимидек. бозор шароитида иқтисодиётни боищаришда кучли таъсир этувчи воситадир. Бугун халк ҳўжалигининг самарали фаолият кўрсатиши солиқ

солиш тизимининг канчалик тўғри тўзилганлигига боглик.

Ғарбда солиқ масалаларикорхоналарнинг молиявий режалаштирилишида фахрли ўрин эгаллаган. Юкори солиқ стафкалари шароитларида нотуғри ёки етарлича бўлмаган солиқ омиллари нохуш асоратларга ва хатхо корхонанинг синишига хам олиб келиши мумкин. Бощқа томондан, солиқ қонуниятида кўзда тўтилган имтиёзлар ва чегирмалардан тўғри фойдаланиш нафакат йигилган моддий маблагларнинг сакланиб қолинишини, балки фаолиятнинг ривожлан ишини моддий таъминлаш имкониятларини, солиқлар орқали тежалган янги инвестидияларни ва хатто ғазнадан тўланган солиқ тўловларининг кайтарилишини хам таъминлаши мумкин.

Солиқ тизимини такомилаштириш ва ундагй ислохотларни амалга оширишда тарихий манбалардан. илмий янгиликлардан шунингдек. ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш катта ахамиятга эга.

Хар бир давлат ўзига хос хусусиятга эга бўлган солиқ сиёсати ва солиқ тизимига зга. Шунинг учун хорижий давлатларнинг солиқ сиёсати ва солиқ тизимидаги ўзига хослик ўрганиб чиқиш керак Хорижий давлатларнинг солиқ тизими тўрт гўрухга бўлиб ўрганилади, яьни ривожланган Европа давлатларининг солиқ тизими, шимолий Американинг ривожланган давлатлари солиқ тизими, ривожланган Осиё давлатларининг солиқ тизими ва мустақил давлатлар хамдустлигига аъзо айрим давлатларнинг солиқ тизими.

Бирлашган миллатлар ташқилоти у ёки бу халкаро дастўрлар асосида бозор ислохотларини амалга ошираётган давлатларга маълум бир лойихаларни ишлаб чикиш ва жорий этишда ёрдам бериш ҳамда хамкорлик қилишни амалга оширади. Бундай хамкорлик йўналишларидан бири замонавий халқаро иқтисодий талабларга жавоб берадиган миллий солиқ тизимининг юзага келишига, шаклланиши ва ривожланиишга ёрдам беришдир. Айнан шундай чора-тадбирларни амалга ошириш жараёшиа, яьни халқаро солиқ дастўри доирасида Жахои солиқ кодексини таёрлаш фикри юзага келди. Ушбу Кодекснинг асосий мақсади ислохотларни амалга ошираётган давлатларда илмий асосда солиқ муносабатларини бошқариш ягона терминология ва ягона мазмуидаги изохни яратиш нмкониятларини тақдим этишдир.

«Жахон солиқ кодекси асослари» шаклидаги ушбу жужжат 1993 йилда тайёрланиб, иашрдан чиқарилди. Унинг муаллифлари Гарвард университети (АҚШ) мўтахассислари Уорд М, Хасси ва Дональд С. Люби к. Ушбу Кодекс асослари 300 бетдан иборат бўлиб, 591 та модда ва изохни ўз ичига олган Солиқ кодекси матнидан иборатдир.

Кодекснинг кирши қисмида муаллифлар кўпгияа давлатлар тажрибасидан ўтган солиқ тизимининг замонавий маъносини очиб беришга харакат қилганларини ёзншган.

Жахон солиқ кодекси намуна сифатида бўлишига қарамасдан, унда солиқ тўловларинпнг аниқ ставкалари, унинг минимумлари ва имтиёзлар берилгандир.

Кодекс матни ва унда берилган ставкалар кодексдан фойдаланишни хохловчи давлатлар учун мажбўрий эмас, балки тавсиявий тусга эгадир.

Миллий солиқ қонунчилиги тайёрланаёгганда ушбу давлат мўтахассислари томонидан мамлакатдаги аниқ иқтисодий ва хуқуқий шарт-шароитлар инобатга олинишн керак, Хўлоса қилиб айтадиган бўлсак кодексда берилган низомлар Ўзбеқистонда хам алохдца ахамиятга эгадир. Бу низомга кўра, солиқ тизими орқали иқтисодий субсидиялар бериш тўғри субсидия тўловларига нисбатан кам самаралидир. Имтиёз тўрлари ва енгилликларнинг кўплиги, солиқ имтиёзяарини назорат қилишнинг қийишшги сабабли, солиқ тизимини мўраккабллаштирилади ва самарадорлигини туширади, унинг зарўр бўлган эгилувчанлик хусусиятларини йуқотади. Бундан келиб чиқадики, кодексда ссдиклардан вақтинчадик ёки доимий озод этиш каби имтиёзлар кўзда тўтилмайди.

## 3.2. Маҳаллий бюджет даромадини бевосита солиқлар орқали тўлиқлигини таъминлашни бошқариш имкониятлари

Маҳаллий бюджетлар бюджет тизимининг бир қисми бўлиб, давлатнинг иқтисодий салохияти ва барқарорлигига таъсир қилади. Маҳаллий бюджетлар ўзининг молиявий маблағлари хисобига ҳамда

маҳаллий хокимият органлари тасарруфига кирмайдиган умумдавлат даромадлари хисобига шаклланади. Мамлакат бюджет тизимининг молиявий ахволини белгиловчи кўрсаткич сифатида маҳаллий бюджетларнинг ўрни мухим, айр им сохаларда эса етакчи ўрин тўтади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, маҳаллий бюджетлар орқали ахолининг тўрмуш даражасига таъсир этадиган мухим ижтимоий сохалар молиялаштирилади. Шунииг учун ҳудудларнинг иқтисодий, табиий, демографик ва бошқа фаркланиши шароитида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини такомиллаштириш, ҳудудлар бўйича маблағларни кайта тақсимлаш долзарб масала бўлиб хисобланади.

Давлат маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудларда фаол иқтисодий сиёсатни олиб боради. Ушбу бюджетлар орқали саноатнинг айрим сохаларини ривожланшришни тезлаштириш, табиат мухофазасини сақлаш мумкин.

Бюджет даромадларини ошириш ва янги даромад манбаларини излаб топиш бюджет харажатларини тухтовсиз молиялаштиришда катта ахамиятга эга. Бюджет даромадлар қисмини оширишнинг бир қанча йўллари мавжуд. Бюджет даромадларини оширишнинг оддий усўлларидан бири солиқ ставкаларини ошириш.

Лекин жахон амалиётида солиқ ставкаларининг юкорилиги тадбиркорлик субъектларинилг юқори фойда олиш кизикишини сусайтиради, ишлаб чиқаршшш кенгайтиришга ва такомиллаштиришга йўл куймайди. Натижада хўжалик юртувчи субъетларнинг даромадлари қискдради, шу билан биргаликда 6юджетга тушумлар хам камаяди. Бу ерда бюджет даромадла- рини оширишда бошқа ностаидарт йўл тўтиш мақсадга мувофик бўлади. Бюджет-солиқ, сиёсатининг мохияти бир томондан бюджетни тўлдириш, бошка томондан иқтисодиётнинг фаоллашувига олиб келиши керак. Давлат

ажратмалар, дотациялар ва субвенциялар хисобига шаклланмокда. Маҳаллий бюджетларни кучайтириш йўналишларидан бири - ўларнинг

мустақиллигини ошириш, бу эса Давлат бюджети даромадларининг ошишига олиб келади. Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини ошириш учун маҳаллий хокимият органларининг ваколатларини кенгайтирадиган хукукий шароит яратилиши керак. Бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетларнинг харажатларини ва даромадларини режалапггиришни янада такомиллаштириш мақсадга мувофик бўлада

Маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини бюджет даромадларини максимал тушишини таъминлаш солиқ органларини хисоботига боғлиқ. Малумки ҳудудларда бюджетдан боқиманда қарздорликнииг йилдан-йилга ошиб боришига йўл қўйилмоқда ва бу юридик ҳамда жисмоиий шахслар томонидан солиқ конуичилигининг бўзилишига олиб келмоқда.

Иқтисодий ва ижтимоий ривожлапишпн таъмннлашда маҳаллий бошқарув оргаиларинииг хуқуқчариии кенгайгириш ва жавобгарлигини ошириш мақсадида ўларнинг молиявий базасини шакллантирнш тартибига ўзгар- тиришлар киритилмокда, жумладан, ҳудудий молия-бюджет режалаштирилиши кайта тўзатилмокда, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти натижаларига маҳаллий бюджетлар боғлиқлиги кучаймокда, маҳаллий бюджет ресўрсларидан фойдаланиш сохалари кенгаймокда. Маҳаллий бюджегларда харажат мажбўриятлари ва даромад имкониятлари орасида нотенглик (дисбаланс) мавжуд бўлиб, ўз бюджет маблағларини мустақил ва кераклн хажмда шакллантириш имконияти йўқ.

Бюджет тшпқилотларини молиялаштириш механизмига боғлиқ маҳаллий бюджет харажатларини оптималлаштириш имкониятларини тўхгатиб тўрувчи қуйидаги омилларпи кўрсатиб ўтиш лозим:

- бюджет ташкнлотларнни молиялаштиришда бюджет мабларлари билан бир каторда, бошқа бюджетдан ташкари манбалардан тўлиқ фойдаланилмай қолмоқда;

- маблағга хакикий талабни белгиловчи услубиёти ва уни ишлаб чиқиш механизми яратилмаганлиги сабабли, чекланган бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланиш холатлари мавжуд. Натижада, бир хил

объектларга ортиқча пул маблағлари сарфланса, бошқа обектларни хақиқий талабга нисбатан молиялаштиришда катта етишмовчиликка дуч келинади.

Маҳаллий бюджетлар Давлат бюджетша чамбарчас боғликдир. Шунинг учун бюджетлар даромадларини шакллантиришда Маҳаллий хокимият органларининг ролиии янада ошириш Маҳаллий бюджетлар даромадриии шакллантириш республика органларига боғлик бўлиб қолмокда. Хозирги вақтда,

Маҳаллий хокимият оргаллари томонидан даромадларни кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмаётганлиги, кўпгина ҳудудларнинг даромадлари умумдавлат солиқлардан мустахкамлашнинг йўналтирилган бир қатор хуқуқий-меёрий ҳўжжатлар қабўл қилишган.

Ўзбеқистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йкл 3 сентябрдаги 414-сонли « Бюджег ташқилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомшшашшриш тўғрисида»ги карорини алохида Кўрсатиб ўтиш лозим.Бу ҳўжжат маҳаллий бюджетлар даромадлар нмкониятларини кенгайтириб, маблағларииит бюджетдан ташқари манбаларшш излаб топиш ва фойдаланиш имкониятини берди. Лекин шуни таъкидлаб ўгиш жоизки, жойларда бюджет муассасалари рахбарларшшнг қушимча маблағ излаб топ-иш қизиқиши суст ҳамда тушаётган қушимча маблағлар миқдори жуда хам кам бўлибқолмоқда. Шунингдек, вилоят маҳаллий бюджетининг тушаётган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар миқдори жами тушум ўлушида паст кўрсатгичга эга бўлиб қолмокда. Тушумларнинг катта қисми умумдавлат саолиқлар хисобига тўғри келмокда. Бизнинг фикримизча, амалдаги қонунчиликка биноан, даромадларнинг прогноз кўрсаткичларидан ортиқ бўлган қисми маҳаллий хокимият органлари тасарруфида қолиши лозим ва кейинги даврларда хам истиқбол кўрсаткичларининг ошириб бажарилишини рағбатлангиришни кучайггириш максадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда ққйидаги таклифларни тавсия этиш мумкин. Чунончи,

бюджет даромадларининг шакллантиришда маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ролини ошириш, солиқ тизимининг самарадорлигини оширишда оптимал солиқ юки кўрсаткичидан етарли фойдаланиш, харажатларни молиялапггиришда бюджетдан ташқари манбаларни жалб қилишнинг хуқуқий-меъёрий базасни янада такомиллаштириш, ҳududнинг бюджет даромадлари шакланишида маҳаллий хокимият органинг ваколатларини кенгайтириш, бюджетни ижро этиш жараёнида бюджет даромадлари истиқболларини белгилаш ва ўзгартириш киритиш услубини мукаммаллаштириш, маҳаллий бюджетлар даромадларининг мустахкамлигини таъминлаш учун, авваламбор, жахон амалиётида синалган солиққа тортиш механизмла рини татбиқ максадга муофиқ бўлади.

## 3.3. Давлат бюджети даромадларида бевосита солиқларни ундириш механизимини барқарорлигини таъминлашни кучайтириш йўллари

Бевосита солиқлар хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари нуқтаи-назаридан хам ахамиятга эгадир. Бу нарса бевосита солиқларнинг хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллигини тартибга солишдаги роли оркали намоён бўлади. Бевосита солиқдар хўжалик юритувчи субъектларнинг рентабеллик даражасини тартибга солишда мухлм дастак бўлганлиги учун соғлом рақобат мухитини шакллантиришда алохлда ахамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектлар учун бевосита солиқларнинг ахамияти ушбу солиқларни ундириш жараёнида солиқ юкининг бир кисмини ишлаб чикарувчилардан истеъмолчиларга ўтказилиши орқали хам намоён бўлади. Бир вақтнинг ўзида бевосита солиқлар истеъмол хам малум даражада таьсир этиши мумкин.

Бюджет даромадларини шакллантиришд бевосита солиқлар ўлуши 42,1%дан 52,9%гача тебранганлиги билан ажралиб тўради. Ушбу кўрсаткичлар 2012-2017 йиллар оралиғида ўсиш (9,2%га) ва 2014-2015йиллар оралиғида эса, аксинча, ўсиш (11,9%га) тенденциясига эга Ушбу холат

бошқачароқ масштабларда, даромад солиғига хам тегишлидир. Аксинча, 2012-2017 йилларда бюджет даромадларини шакллантиришда солиғи салмоғи мунтазам пасайиб борганлиги билан характерланади. Жисмоний шахслардан даромад солиғининг бюджет даромадларини шакллантиришдаги хиссаси 2013-2017 йилларда 2,3% дан 2,9%гача ортди ёки 26,1%га ўсди. Фикримизча, ушбу холат мухим ахамиятга эга бўлиб, бевосита солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш борасида чора-гадбирлар тизими ишлаб чиқилаётганда хисобга олинмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасида бевосита солиқларни ундириш механизмини мустақил харакат қиладиган механизм сифатида талкин этиш назарий жихатдан максадга мувофикдир.

Фикримизча, бевосита солиқларни ундириш маълум бир механизмнинг харакати ёрдамида содир бўлади. Уни биз «бевосита солиқларни ундириш механизми», деб атасак бўлади. Ушбу механизм аник ишласа, билвосита солиқларни ундириш ва унинг бюджетга ўз вақтидатушиб тўришини таъминлаш вазифаси муваффакиятли бажарилаверади.

“Бевосита солиқларни ундириш механизми”ни икки вариантда тасаввўр қилиши мумкин: I) хусусий тарзда (1-расм) ; 2) умумий кўринишда (2-расм). Ўларни бюджетга ўз вақтида ундирилиши ушбу механизмнинг ўзлуксиз ишлаб тўришига боглик. Таҳлилларимиз кўрсатишича, амалдаги механизм айрим камчиликларга эга бўлиб, ўларни бартараф этиш учун такомиллаштирилмоги лозим.

Кайси вариантда бўлишидан қатьий назар, «Бевосита солиқларни бюджетга ундириш механизми» амалдаги харакатланиш натижалари 3-жадвал маълумотларида ўз аксини топган. Ўларга кўра, юкоридаги механизмнинг харакат этиши натижасида ундирилган юридик шахс, ундирилган даромад солифлари умумий тушумига нисбатан салмоги таҳлил этилаётган йилларда аник ифодаланган тенденцияга эга бўлмаган

Механизм харакатланишининг хусусий шахс,даромад солиғига тегищли бўлган кисмлари куйидагилар билан характерланади: ундирилган

хам ушбу солиғининг солиқлар умумий тушумига нисбатан салмоғи мўттасил пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Бунда солиқ тушумларининг ўсиш тенденциясига эгалиги (2015 йил бундан мустасно) билан характерланади. Юкоридагилардан, ягона хисобланган «Бевосита солиқларни бюджетга ундириш механизми»нинг харакатланиши ўларнинг алох.ида олинган тўрлари бўйича умумийликни таъминлай олмаётганлиги кўзатилади.

Бевосита солиқларни ундириш механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлардан бири билвосита солиқларни бюджет ва солиқ тўловчиларнинг манфаатларини оқилона хисобга олган ҳолда хисоблашни жорий этиш ва уларни бюджетга ўз вақтида тушиб тўришини таъминлаш муаммоларини хал этиш хисобланади.

Фикримизча, тўғри солиқлар (бевосита) солиқ солинадиган базани белгилашда ва зарур бўлган холларда мутаносиб бўлган компенсацион механизмни жорий этиш йўналишида такомиллаштирилмоғи лозим. Бунда бевосита солиқлар суммаси бўйича солиққа тортиладиган базадан чикарилиши мумкин бўлган холлар туфайли бюджет кўриши мумкин бўлган йукотишлар суммаси ўша солиқнинг суммасини бюджетга компенсация қилиш имконини берадиган даражада кўтарилиши хисобидан қопланиши шунга мувофиқ равишда ўзгартирилиши лозим.

Таклиф қилинаётган вариантида солиқлар ва солиққа тортиш амалиётда, эътиборга олиниши шарт бўлган икки холатга қатъий риоя этишнинг зарўрлиги таъминланган.

Юқоридаги холатлар қуйдаги хўлосалар чиқариш имконини беради: амалдаги ва таклиф қилинаётган вариантлар бўйича бевосита солиқ тўловчилар хўжалик юритувчи субъекти хеч кандай зарар кўрмайди; бевосита солиқ ставкасининг амалдаги стафкаларни таклиф қилинаётган 0.5% кўтарилиши солиқ тўловчининг зиммасига юкланган солиқ юкининг даражасига таъсир кўрсатмайди ва унга нисбатан умумий солиқ юкининг оғирлиги ўзгармайди; солиққа тортишнинг бир марта солиққа тортиш

принципига катьий риоя этиш таъминланади Бевосита солиғини хисоблаш

1-расм

**Ўзбекистон Республикасида бевосита солиқларни ундириш механизми таркиби[14]**




механизми такомиллаштирилаётганида эса мамлакат ҳудудида

[14] Расм муаллиф томонидан тузилди

бевосита солиғи солинадиган базалар, ишлаб чикарувчилар ва мамлакат ҳудудига товарлариии олиб кирувчиларга қараб солиқларни хисоблаш, унинг ставкасини ўрнатиш усулига ўзгартириш киритиш, қатъий

2-расм

**Ўзбекистон Республикасида бевосита солиқларни ундириш механизми таркиби**[15]




ўлчамларда белгиланган бевосита солиқларнинг ўрнатилган ставкасини йил давомида қайта кўриб чикиш тартибига ўзгартириш киритиш ва унинг айрим

[15] Расм муаллиф томонидан тузилди

тоифадаги тўловчилари ва тўлаш тартибини ўрнатишга ўзгартириш киритиш йўналишида такомиллаштиришга жиддий эътибор бериш керак. Юридик шахслар даромадидан олинадиган солиқни хисоблаш механизми, бу солиқ жорий этилганлининг кўп вақт бўлмаганлигини назарда тутиб, унга нисбатан ўрнатилган солиқ ставкасининг даражасини бирмунча кўтариш йўналишида такомиллаштирилмоги лозим.

Фикримизча, ушбу солиқ ставкасини объектив зарурлигини куйидагилар билан изохлаш мумкин:

Молиявий ресўрсларнинг чекланганлиги туфайли уларнинг тежаб-тергаб, иқтисод қилиб самарали сарфлашнинг зарўрлиги; товарлар бахосининг узгариши натижасида, бошка шароитлар тенг бўлган ҳолда, ушбу солиқ бўйича бюджет тушумларининг камайиши ва унинг компенсация қилишнинг максадга мувофиклиги; Ўзбекистон шароитида даромад солиғи ортиб бораётганлиги ва ахоли тўрмуш шароитининг янада яхшиланаётганлиги; мамлакатимиз бўйича умумий солиқ тушумларининг таркибида жисмоний шахслардан даромад солиғи салмоғининг кейинги йилларда узгармасдан колаётганлиги ва ушбу солиқнинг Маҳаллий солиқларга нисбатан улуши тадкик этилаётган муддатда пасайиш тенденциясига эга эканлиги; якин келажакда жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда мухим солиқлардан бирига айлантиришнинг объектив зарўрлиги ва бошкалар.

Бир вақтнинг узида, ушбу солиқ ставкасининг даромад бирлигига нисбатан катъий сўмда ўрнатилаётганлиги хам такомиллаштиришга мухтож .Жисмоний шахслардан даромад солиғини олинадиган солиқ ставкасининг мавжуд тартибда ўрнатилаётганлиги инфляцион омилни етарли даражада хисобга олмайди. Юкоридаги сабабларга кўра, ушбу солиқ ставкасини ягона миқдорда ўрнатиш максадга мувофикдир.

Бевосита солиқларни ундириш механизмини такомиллаштиришнинг мухим йўналиши ушбу солиқларни бюджетга уз вақтида тушиб тўришини

таъминлаш билан богликдир. Шу муносабат билан уларни ундиришнинг амалдаги тартиби, таклиф қилинаётган вариантлар ва уларнинг афзал-ликлари, умумлашган ҳолда, таҳлил этиб бориш зарур бўлади.(4-жадвал)

Бевосита солиқларни бюджетга ундириш механизмини такомиллаштириш масаласини уларнинг бюджетга ўз вақтида тушиб тўришини таъминлашга қаратилган юкоридаги таклифлар солиқларнинг бюшкетга тўлаш муддатлари билан боглик. Шунинг учун якин келажакда бевосита солиқларнинг бюджетга ундирилиш механизми солиқларни бюджетга ўз вақтида тушиб тўришини таъминлаш йўналишида такомиллаштирилишини такозо этади.

**Бевосита солиқларни бюджетга ўз вақтида тушиб туришини таьминлашга қаратилган таклиф этилаётган вариантлар ва уларнинг афзалликлари[16]**

<table>
<tr><th>Т/Р</th><th>Таклиф қилинаётган вариантлар</th><th>Таклиф қилинаётган вариантларнинг афзаллиги</th></tr>
<tr><td>1</td><td>Солиқ суммаларининг тўлаш муддатларини солиқ тўловчиларнинг гурухлари учун табақалаштириш, солик суммаларининг миқдорига боғлик равишда бюджетга хар бир тўланган хисоб-варақ бўйича, кунда бир марта, яъни айланма содир бўлишининг учинчи иш кунида, беш кунлик тўловлар бўйича хар ўтган беш кунлик хақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда, хар декадада, хар ойда ва хар чоракда тўлаш зарур</td><td rowspan="2">-бевосита солиқлар суммаларининг бюджетга узлуксиз тушиб туришини таъминлайди;<br>-бевосита солиқлар суммаларининг хўжалик юритувчи субъектлар хисоб варақаларида тўпланиб қолишига имкон бермаиди;<br>- бюджет олдида бевосита соликлар бўйича карздорлик вужудга келишининг олдини олади ва ушбу солиқлар суммаларининг бюджетга тушумини тезлаштиради;<br>-бевосита соликларнинг ундирилувчанлик даражасини оширади ва боқиманда қарзларининг ҳажмини камаитиради;<br>-бевосита солиқларни бюджетга тўлаш муддатларининг товарлар реализация қилиниш муддатлари ва суммаларига бевосита боғланганлиги таъминланади;<br>- бевосита солиқларни тўловчилар учун тенг шарт- шароит яратилади;<br>- ва бошкалар.</td></tr>
<tr><td>2</td><td>Солиқ бўйича: солиқ тўловчиларнинг тоифаларга бўлиниши ҳисобга олиниши ва тўланадиган солиқлар суммаси муддатлари, айрим шахслар учун алохида муддатларнинг белгиланиши,авансли тўловларнинг амалга оширилиши ҳисобига олиниши керак.</td></tr>
</table>

[16] Муаллиф томонидан тузилган

## IV Боб Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари

### 4.1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутади, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаnоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-итисодий зарурият асосида шаклланмоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда

кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

## 4.2. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармасида ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Муассасанинг барча тармоқларида ҳодимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва заҳарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўрикдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)[17] кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар,

[17] Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Бўларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин

чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкини асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, ишхоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкини, фуқаролар шахсий мулкини ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини қаттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;
- муассасалар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;
- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб

қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 $м^2$/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакилларини жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Муассасаларнинг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Муассасанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиш лозим.

## 4.3.Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)[18] — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий мухитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир. Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар

[18] Фавлуқотда вазият кейингиларда-ФВ

сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга таллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ О,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши,

уларнинг заҳарланиши (заҳарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий заҳарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларила бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортвдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт восигаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поэздлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теварак атроф табиий мухитга таъсир қилувчи захарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл

қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — ҳимоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механиқ ва термик шикастланишларига, заҳарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш мароминиг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЕС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш

қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шошшшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жихатдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-мухитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилинч кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ

вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металлар, нефт маҳулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуйидаги ингридиэнтлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг кўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металлар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстеремал юқори даражада ифлосланиши;

Бинолар, мухандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;

б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;

2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;

3.Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);

4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;

5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;

6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;

7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

## 4.4. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан,

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-укубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни

учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибнни белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очиқ синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

# ХУЛОСА

БМИ ни бажариш (ёзиш) жараёнида қуйидаги хулосалар олинди:

Бюджет даромадларида бевосита солиқларни ундиришнинг иқтисодий механизмини фикримизча, икки вариантда тасаввур қилиш мумкин: 1) хусусий тарзда; 2)умумий кўринишда. Уларни бюджетга ўз вактида ундирилиши механизмнинг узлуксиз ишлаб туришига боғлиқ.

Бюджет даромадларида жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни ундириш механизми ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу холат алохида олинган хар бир билвосита солиқларни ундириш механизми такомиллащтирилаётганда хисобга олиниши шарт.

Бевосита солиқларни ундиришнинг амалётдаги механизми ўтиш даври иқтисодиёти талабларига жавоб бермаяпти ва у мунтазам равишда такомиллаштирилиши лозим.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустахкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш жуда мухимдир. Бунинг учун куйидагилар таклиф этилмокда:

- юкори қўшимча қийматга эга саноат товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган минтақаларда қишлоқ ҳўжалиги хомашёсини қайта ишлашни ривожлантириш орқали тайёр маҳсулотлар улушини ошириш зарур, бу эса солиқ базасининг ошишини таъминлайди;

-мулкка солиқ солишни такомиллаштириш. Мамлакатимизда мулк солиғи мулкнинг кадастр қийматига қараб тайинланади. Мулкнинг кадастр қиймати эса бозор қийматидан бир неча баробар пастдир. Бу Маҳаллий бюджетлар даромадларининг катта миқдорида йуқотилишига олиб келмокда. Мулк кадастр қийматининг бозор қиймати билан тенглаштирилиши Маҳаллий бюджетларга қўшимча даромадлар келиб тушишини таъминлайди;

-Маҳаллий бошқарув органларининг Маҳаллий бюджетлар

даромадларини бевосита солиқини оширишдан манфаатдорлигини ошириш. Бунда умумдавлат солиқларидан тушадиган норматив ажратмаларнинг барқарорлигини таъминлаш ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун Маҳаллий бюджетларнинг харажатлардан ортиқ булган даромадларини Маҳаллий хокимият органлари ихтиёрида қолдириш зарур;

-Маҳаллий бюджетлар даромадпаридан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Харажатлар самарадорлигини таъминлаш ва улардан тўғри фойдапаниш мониторингини кучайтириш Маҳаллий бюджетлар баркарорлигини таъминлайди.

Бугунги кунда давлат бюджети маблағларидан мамлакатда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ихқисодиётни ривожлантириш ва марказлашган инвестидияларни самарали молиялаштириш, давлат хокимияти ва бошхаруви органлари, суд органлари харажатларини молиявий таъминлаш учун фойдаланилмокда. Натижада, бюджет тизими ва муносабатлари холати аниқ таҳлил қилинади ва прогноз курсаткичларини аникдаш имконияти яратади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 62 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль
5. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 29 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 686 б.
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687)
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир.

//Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. №12.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент, 2005. - 88 бет.
10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. №12.
11. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, № 13 (5687).
12. Абдурахмонов О., Кушакаев Б. Солиқ ислоҳотлари: изчиллик ва тадрижийлик. -Т.: Akademiya, 2005. – 180 б.
13. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
14. Алимардонов М.И. ва бошқ. Юридик шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Чўлпон, 2013. – 296 б.
15. Алимардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. – Т.: 2003. – 233 б.
16. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
17. Бочаров В.В. Корпаративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
18. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
19. Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
20. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
21. Вахобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ. 2009. – 448 б.

22. Вылкова Е.С., Романовский М.В. Налоговое планирование. — С-Пб.: Питер, 2004.
23. Гадоев Э., Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
24. Жалолов И.Э. Совершенствование косвенного налогообложения. Автореферат дисс. на соискание учёной степени к.э.н. – Тошкент: БФА, 2001. – 21 б.
25. Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.
26. Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамКИ, 2002. – 286 б.
27. Зайналов Ж.Р., Қосимова Ф. Солиқлар ва солиққа тортиш. Маъруза курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2015. – 320 с.
28. Исламкулов А.Х., Ражаббаев Ш.Р., Пардаев У.У. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш. Монография. – Т.: Спектрум Медиа Гроуп, 2015. – 160 б.
29. Камилов М.М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореферати. – Тошкент: БМА, 2007. – 22 б.
30. Қодиров Б.Қ. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореферати. – Тошкент: БМА, 2004. – 22 б.
31. Қудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академнашр, 2016. – 160 б.
32. Лапыгин Ю.Н. Инвестиционная политика: учебное пособие / А.А. Балакирев, Е.В. Бобкова и др.; под ред. Ю.Н. Лапыгина. – М.: КНОРУС, 2011. – 320 с.
33. Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2010. – 768 с.

34. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия. 2002. – 220 б.
35. Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? – Т.: 2006. – 32 б.
36. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т: Иқтисод ва молия, 2007, - 21 б.
37. Мирзаев Ф., Давронов Ш. Тижорат банклари фаолияти: инновацияси, инжиниринги ва рискларни бошқариш амалиёти. Монография. – Т.: Молия, 2014. – 160 б.
38. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
39. Поляк Г.Б. Финансы. Учебник. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2009. – 703 с.
40. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
41. Романовский М.В. Финансы и кредит: Учебник / М. В. Романовский, Н. Н. Назаров, М. И. Попова и др.; Под ред. М. В. Романовского, Г. Н. Белоглазовой. – М.: Юрайтиздат, 2006. – 360 с.
42. Саидов Д., Қуллиев И. Пул муомаласи ва кредит. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 268-б.
43. Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые отношения: учебник / А.А. Суэтин. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 с.
44. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
45. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Тошкент: Фан ва технология.- 2008.- 127-132 б.
46. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
47. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х.Р. Корпоратив молия стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 128 б.
48. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2006. –

152 б.
49. Ибрагимов Н.А., Хабибуллаев А. Аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет маблағлари ҳисобидан хизмат кўрсатиш кўламини ошириш истиқболлари. / Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари 2016 йил 19-20 феврал. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари. VI қисм. Самарқанд, СамИСИ, 2016. – 143 б.
50. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.
51. Ҳасанов Р.Р., Ҳайдаров Н.Х., Маликов Т.С. Молиявий бошқарув. – Т.: Ғафур Ғулом, 2009. – 840 б.
52. Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
53. Черник Д. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. –367 с.
54. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
55. Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013
56. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ғ.Ғулом, 2000. – 240 б.
57. Журнал ва газеталар:
- Бозор, пул ва кредит 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
- Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
- Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
- Молия 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
- Иқтисодиёт ва таълим 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
- Солиқ ва божхона хабарлари 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари.
58. Интернет сайтлари:
http: //www.finansy.ru

http: //www.iqtisodiyot.uz

http: //www.mf.uz

http: //www.stat.uz

http: //www.lex.uz